

**БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ
(19 аср охири-20 аср бошлари)**

Рустамова Нигора Баратовна
Ориентал университети магистранти

Ўрта Осиёни Россия империяси томонидан истило қилиниш жараёнлари қатор давлатлар билан сиёсий зиддиятлар, дипломатик курашлар остида олиб борилган эди. Маҳаллий хонликлар ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун мусулмон дунёси ва Шарқнинг ўз вақтида қудратли давлати ҳисобланган Усманийлар империясига паноҳ сифатида қараганлар. Усманийлар империяси халифалик давлатининг давомчиси сифатида намоён бўлиб, Ўрта Осиё хонликлари султонга ўзларини вассал ҳисоблаганлар ва султонга қилинган кўплаб муурожаатлар мазмунида ўзларини ҳимоя қилиш, ҳарбий ёрдам кўрсатишни сўраганликлари маълум.

Ўрта Осиё истилоси бошланган XIX асрнинг 40-йилларидаёқ Россия маъмурлари минтақа давлатларининг Туркия билан маънавий иттифоқига ҳам қарши курашишларига тўғри келган. Жумладан, Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовский билан Хива хонлиги элчилари музокаралар вақтида Хива ва Сирдарё оралиғидаги ерлардан Усманийлар империяси султони ва инглизлар фойдасига воз кечишни талаб қиладилар. Сирдарё корпуси қўмондони Г.Х. Гасфорд (Ғарбий Сибир губернатори) маҳаллий ҳукмдорлар ва Британиянинг ҳинд қўшинлари билан биргаликдаги ҳужумларидан хавотирга тушганлиги тарихий адабиётларда қайд этилган[1]. Бу ҳолат Россия империясини Англия ва Усманийлар давлати иттифоқига қарши уруш бошлаш эҳтимолини юзага келтириб, кейинги истилоларга мустақкам замин ҳозирлашга ундаган.

XIX аср ўрталарида Россия империясининг халқаро майдонда яққаланиб қолиши ҳам Ўрта Осиёдаги истилоларни ортга сурилишига сабаб бўлди. Чунки, Қрим уруши (1853-1856 йй)даги мағлубиятдан сўнг “Шарқ масаласи”да Россия стратегик етакчиликни қўлдан бой беради. Бу эса Шарқда, биринчи галда Туркистон ва Бухорода русларга қарши ва Усманийлар таъсирини оширишга қаратилган тарғиботларни кучайишига олиб келади[2].

Россиянинг Ўрта Осиё ҳудудидаги хонликларни истило қилиш жараёнида Туркиянинг ўлкадаги таъсири масаласи таҳлил қилинар экан, ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларнинг чекланганлиги, икки ўртадаги масофанинг узоқлиги, ҳаж зиёрати амалларининг ҳам асосан Ҳиндистон йўналиши орқали амалга оширилиши каби омиллар сабаб, XIX асрнинг 50-80 йилларда Туркиянинг Ўрта Осиё ҳудудидаги диний уламолар ва феодаллар орасида кўплаб ихлосмандлари бўлгани ҳолда, аҳолининг кенг қатламлари орасида Туркия билан иттифоқнинг қўллаб-қувватланишига эриша олмаганлигини алоҳида келтириб ўтиш лозим[3]. Иккинчи бир томондан эса, XIX аср ўрталарида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг жуда сустлиги, ўзаро муносабатларнинг тез-тез узилиб қолиши натижасида Усманийлар империясида Ўрта Осиё, минтақада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеяликлар ҳақида тўлиқ тасаввурлар мавжуд бўлмаганлигига оид маълумотлар баъзи адабиётларда қайд этиб ўтилган. Бухоро, умуман Ўрта Осиё давлатлари билан Усманий турк империяси ўртасидаги ўзаро муносабатларга Россия империясининг минтақани истило қилиш арафасида Усманийлар давлати фуқароси сифатида саёҳат қилган ва ушбу давлатлардаги бошқарув, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни яхши ўрганиб, таҳлил қилган можар олими А.Вамбери маълумотларида XIX аср Усманийларида шайбонийлар ва

аштархонийлар давридагидек дипломатик муносабатлардан асар ҳам йўқлиги, ўзбек ва тожик, Хива ва Бухоро ҳақидаги Усманийларнинг тасаввурлари гўёки Гаити ороли хусусидаги тасаввурлари сингари чалкаш, аниқ тасаввурнинг етишмаслигига оид фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтган.

Россия империяси истилосининг бошланиши билан Бухородан бошқа мамлакатларга мухожир бўлиб кетиш ҳаракати кучайиб, бу ҳол кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. Россия давлатининг Бухоро билан курашлари бошланган вақтлардан бошлаб, бу хусусдаги маълумотлар Усманийлар архивида кўп бора қайд этилганлигини кўриш мумкин. Мисол тариқасида, Бухоролик Шариф Хўжа исмли шахснинг 1865 йил 23 январда Усманийлар империяси фуқаролигини олишни сўраб ёзган аризаси Россия протекторати ўрнатилиш жараёнидаги дастлабки ҳолат бўлиб, бу каби ҳолатлар куйида яна келтириб ўтилади.

А.Вамбери Ўрта Осиё давлатлари ва Усманий турк султонларининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилар экан, Қўқон ва Хива хонлари, Бухоро амирларининг тахтга ўтиргач, биринчи галдаги дипломатик муносабатлари Усманийлар империяси билан бўлиши ва Турк султонига ўз элчиларини юбориб, Усманий турк салтанати саройида қандай мансабда эканликларини суриштирганликларини алоҳида қайд этган. Ҳозирги вақтда (XIX асрнинг 50-60 йиллари) Бухоро амири раис, Қўқон хони Турк султони отхонасининг бошлиғи, Хива хони мундшенк унвонларига эга деган маълумотларни келтириб ўтган. Хулоса қилиш мумкинки, XIX аср ўрталарида икки минтақа ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий соҳалардаги ўзаро муносабатлар бир қадар пасайган бўлсада, Усманийлар империяси ва Ўрта Осиё давлатлари, хусусан Бухоро амирлари ўртасидаги турли даражадаги муносабатлар бутунлай узилиб қолмаган.

Россия империяси билан Бухоро амирлиги уруш ҳолатида бўлган даврда бухоролик савдогарларнинг гаровга олиниши, мол-мулклари мусодара қилиниши каби ҳолатлар содир бўлиб, бу борада ҳам Усманийлар томонидан бухороликлар манфаати ҳимоя қилинган. Мисол тариқасида, 1866 йил 5 май куни Петербургдаги Усманийлар элчиси Туркия ташқи ишлар вазирига мактуб йўллаб, элчихонанинг фаол аралашуви билан Оренбургдаги бухоролик Хўжа Усмон афандининг ноқонуний ҳибсдан озод қилиниши ва мол-мулкларининг қайтарилиб, Россия империяси ҳудудидаги барча ҳуқуқлари қайта тикланганлигини маълум қилганлигини келтириб ўтиш мумкин[4].

Россия империясининг Қўқон хонлигини батамом бўйсундирмай туриб, Бухоро амирлигига қарши курашни бошлашига Бухорода инглиз-турк таъсирининг ошиб борганлиги сабаб бўлган. Бундан ташқари Россия империяси Бухоро амирлиги устидан протекторат ўрнатиш жараёнида Бухоро давлатининг ҳар қандай ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини узишга ва яккалаб қўйишга ҳаракат қилинганлигини кўплаб архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Ҳужжатларнинг бирида, Сирдарё вилояти 2 бўлими (хўжалик ишлари бўлими)нинг 33998-рақамли ҳисоботида сақланиб қолинган бўлиб, ҳужжат 1869 йил 15 августда тўлдирилган. Унинг мазмунида, Россия орқали Истамбулдан Усманий турк фуқароси савдогар Аҳмад Хўжа Абдулло Хўжа Тошкентга 36 туюқларда Европада ишлаб чиқарилган саноат молларини олиб келаётганлиги, бу ердан унинг Қўқон ва Бухорога боришни мўлжаллагани маъмурларда шубҳа уйғотгани, чунки, 1867 йил 19 декабрдаги 327-рақамли буйруққа кўра, Бухоро билан савдо ва Россия империясига душманона кайфиятда бўлган давлатлар билан алоқа қилиш таъқиқланганлиги қайд этиб ўтилган.

Бу каби сиёсий ва дипломатик босим остида Бухоро-Усманий турк давлатлари муносабатларининг ривожланиши ўта хавфли бўлиб, улар Европа давлатлари биринчи галда Англиянинг қўллаб-қувватлашига эришишга уринганлар деб хулоса қилиш мумкин.

Адабиётлар

1. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания, собрал полковник Серебrenников. Т.8. – Т.: 1915. – С. 144.
2. Сутурова М.В. Система начального школьного образования в степном крае во второй половине XIX-начале XX века: Этноконфессиональный аспект. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Барнаул, 2017. – С. 66.
3. Васильев А.Д. “Знамя и меч падишаха”. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начала XX вв.). – М.: Институт востоковедения РАН ПРОБЕЛ-2000, 2014. С 9.
4. История Центральной Азии в Османских документах. Том III. Общественная и повседневная жизнь. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2012. – С. 107.
5. Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя треть XVIII-начало XX вв.) Автор. на соиск. учен. степ. доктора ист. наук. – 58 с.
6. Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в Середине XIX-начале XX вв. Автореферат соискание ученой степени кандидата исторических наук. – М.: 2007. – 28 с.
7. Гафаров Т.У. Культурно-просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века) Автореферат. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Душанбе. 1999. – 24с.
8. Крупешкин Е.Н. Туркестан в составе Российской империи (1865-1917 гг.): От военно-административного управления к гражданско-административному. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Томск, 2018. – 190 с.
9. Рамазонов, Ж. Д. (2024). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТАЪЛИМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММО СИФАТИДА. *STUDIES IN ECONOMICS AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD*, 3(2), 51-57.
10. Ramazonov, J. (2022). SELF-ADMINISTRATION AS A SOCIO-PSYCHOLOGICAL PROBLEM. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 9(9).